

Ўзбекистон 1991-2007 йилларда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжалиқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини барпо этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини кўпайтириш имконини берди.

Шу билан бирга, суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелiorатив ҳолати қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ўстиришга ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини оширишга тўғонақ бўлмоқда. Мелiorация соҳасидаги тадбирларнинг лойиҳаларини, шунингдек уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини шакллантиришда тизимли равишда, комплекс ёндашилмаётганлиги, сув хўжалиги тузилмалари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг суст ишлаши кейинги йилларда мелiorация ишлари ҳажмларининг камайишига, сизот сувларнинг даражаси кўтарилишига ва минераллашуви ошиб кетишига олиб келди.

Бунинг оқибатида ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпрогини турли даражада шўр босган, аynи вақтда фермер хўжалиқларига қарашли суғориладиган ерларнинг 16 фоизидан ортиги қонқарсиз ҳолатдадир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелiorация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини тубдан яхшилаш 2008-2012 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг қўйидагиларни назарда тутувчи энг муҳим устувор вазифалари этиб белгилансин:

мелiorация ишларининг бююртмачилари ва ижрончилари ўртасида вазифаларни қатъий тақсимлаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини ошириш асосида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишга ёндашуларни тубдан ўзгартириш;

суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни молиялаштиришнинг ишончли механизмининг таъминлаш; мелiorация шохобчаларининг самарали ишлашини, дренаж ва оқова сувларнинг коллектор-дренаж тarmoғи орқали нормативга мувофиқ чиқарилишини таъминлайдиган ушбу шохобчаларни сақлаш механизмининг сифат жи-

ҳатидан такомиллаштириш; лизинг операцияларини кенг жорий этиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мелiorация техникаси саройини янгилаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгаши ва тузилмаси, шунингдек унинг ижро этувчи органи — Жамғармани бошқариш Департаменти таркибини тасдиқласин.

(Давоми 2-саҳифада)

Тошкентда 27-29 октябрь кунлари "Округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг сайлов кампаниясидаги мақсад ва вазифалари" мавзусида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситаларидан олтидан зиёд вакил иштирок этган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари семинарининг асосий мавзуси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинарни очар экан, мамлакатимизда жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов ва давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеа эканини қайд этди.

Сайловнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган демократик

тамоийиллар ва нормаларга тўла мувофиқ ҳолда ўтишида, сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам ўта муҳим вазифалар қўйилган. Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Б.Алимов сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни очиклик ва ошкоралик тамоийиллари асосида ўтказишдек муҳим вазифа округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари зиммасига ҳам қатта масъулият юклашига эътиборни қаратди.

Ушбу семинарни ўтказишдан мақсад сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини тезкор ва ҳолисона ёритишда, ошкораликни, сайлов кампаниясининг очиклигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари, аввало, матбуот хизматлари ҳодимларининг фаол иштироки этиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишдан иборат. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан журналистларнинг профессионал тайёргарлиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражаси билан боғлиқ.

Шу мақсадда семинар ишга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари

Ширкатларни фермер хўжалиқларига айлантириш жараёни деярли якунланди. 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, фаолият юритаётган фермер хўжалиқларининг умумий сони 214,4 мингтани ташкил этди. Уларнинг ихтиёрига 2751,5 минг гектар ер берилган бўлиб, 1611,8 минг нафар ишчи меҳнат қилмоқда.



Чиноз туманидаги Муқим Эрхўжаев раҳбарлик қилаётган "Муқимий" фермер хўжалиги жамоаси мулкчиликнинг ана шу шакли истиқболи порлоқ эканлигини ўн беш йилдан бери исбот этиб келмоқда. Фермер хўжалигида жорий йилда ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ғаллачиликда 50 центнердан хирмон кўтарган деҳқонлар 60 миллион сўм даромад қилишди. 128 гектар пахта даладаридан 500 тонна "оқ олтин" йиғиштириб олинди.

— Далами тозалаб, кузги шудорга киришганимиз, — дейди "Эл-юрт хўрмати" ордени соҳиби, фермер Муқим Эрхўжаев. — Бу агротехник тадбирни оби-тобида амалга ошириш келгуси ҳосилга мустаҳкам пойдевор қўйиш демакдир.

СУРАТДА: қишлоқ мулкдори Муқим Эрхўжаев.

Тошкент вилояти

Р.ҒАЛИЕВ олган сурат.

Хўшхабар Шерободда қўшма корхона

Ўзбекистон билан Жанубий Корея Республикалари ўртасида иқтисодий муносабатлар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бунинг натижаси сифатида мамлакатимизда ўнлаб корхоналар барпо этилмоқда, минглаб ишчи ўринлари яратилмоқда. Шеробод туманида қад кўтарган "Агрохизмат — Шингдонг" қўшма корхонаси ҳам Ўзбекистон — Корея давлатлари ҳамкорлигининг ёрқин намунаси сифатида кўзга ташланади.

Лойиҳа қиймати икки миллиард юз миллион сўмини ташкил этган корхона қурилишига 2005 йилда пойдевор қўйилган эди. Корхонада муддатидан беш ой илгари пахта ёғи ишлаб чиқаришга киришилди. Бир кеча-кундузда олтимиш тонна хом ашёни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ускуналар Хитой Халқ Республикасида келтирилган. Уларни Кореянинг "Шингдонг Эпеконгнинг" компанияси етказиб берди. Ёғ-мўл ишлаб чиқариш ускуналарини маҳаллий аҳоли вакилларидан саксон нафар киши бошқармоқда.

— Лойиҳада корхонани кенгайтириш, қувватини ошириш кўзда тутилган, — дейди биз билан суҳбатда корейлик ҳамкор Ким Ён. — Ҳозир бир йилда 18 минг тонна чигит қайта ишланса, яқин икки йилда бу кўрсаткич тўрт баробарга ошади. Ишчилар сони эса икки юз нафар кишига етади.

Омон ШУКУРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Сурхондарё вилояти

Фидокорлар партияси қурултойи

Тошкентда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кенгашларидан сайланган делегатлар, ФМДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қурултойда Ўзбекистон ФМДП Марказий кенгашининг биринчи котиби Аҳтам Турсуновнинг партия ҳисобот маърузаси тингланди.

Таъкидланганидек, Фидокорлар

миллий демократик партияси фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўз сафида қарийб 800 минг аъзони бирлаштирган партия сайлари мустаҳкамланмоқда.

Анжуманда шу йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов ва мамлакатимизда кенг қўлама амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда улкан аҳамиятга молик муҳим сиёсий воқеа бўлиши алоҳида таъкидланди. Шу муносабат билан Фидокорлар миллий демократик партияси ўзининг барча фаоллари ва бошланғич ташкилотлари учун жиддий сиёсий мактаб, ижтимоий-сиёсий етуқлик синови ҳамда демократик тамойилларни амалда рўйбга чиқариш имконини берадиган сайловда фаол иштирок

этишни ўзининг муҳим вазифаси, деб билади.

Қурултойда Ўзбекистон Фидокорлар МДП Марказий кенгашининг биринчи котиби, мазкур сиёсий партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари А.Турсунов номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидадан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури муҳокама қилинди.

Қурултойда, шунингдек, сиёсий партия фаолиятига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Очиклик ва ошкоралик — сайловнинг муҳим мезонлари

ва ҳуқуқшунослари билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти, Тошкент давлат юридик институти олим ва мутахассислари, Минтақавий сиёсат жамғармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти экспертлари, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси ҳодимлари жалб этилди.

Анжуманда "Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг конституциявий асослари", "Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими: миллий ва хорижий таъриба", "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқ ва мажбуриятлар", "Сайловолди ташвиқоти ва оммавий ахборот воситалари", "Сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари", "Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази ва округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг асосий вазифалари", "Ўзбекистон Республикаси

Президенти сайлови жараёнида маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг иштироки", "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови жараёнида хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштироки" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Маърузалар муҳокамалари асосида ҳуқуқ ва сиёсат соҳасининг малакали мутахассислари билан анжуман катнашчилари ўртасида қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Экспертлар иштирокчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ёритишда жойларда чоп этиладиган даврий нашрлар ҳамда тармоқ газеталарининг иштироки, фуқароларни сайловчилар рўйхатиغا киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи, сайловолди ташвиқоти даврида барча номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилиши, сайлов жараёнларини ёритиш истиқоли билдирган хорижий омма-

вий ахборот воситалари вакиллари ҳамда халқроқ кузатувчилар фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларига доир саволларига апрофчила жавоб қайтарди.

Илмий-амалий семинар самарали мулоқотларга бой бўлди. Марказий сайлов комиссиясида семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов билан учрашди. Таъкидланганидек, мамлакатимизнинг демократик янгилиги ва ёрқин ижтимоий тузумга хос барча асосий қадриятлари ўзида муҳассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда муқаррар, қонуний жараёнга айланган. Бунинг фуқароларимизнинг сайловларга жамиятимизнинг барча баҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига, демакки, ҳар бир сайловчи тақдирига таъсир кўрсатадиган ўта муҳим сиёсий воқеа сифатида ёндашаётганликларида ҳам ағлаш мумкин.

Учрашувда иштирокчиларга Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида Марказий сайлов комиссияси то-

монидан амалга оширилаётган ишлар ҳусусида апрофчила маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссиясининг амалга ошираётган ҳар бир иши оммавий ахборот воситаларида изчил акс этиб бормоқда. Бу Марказий сайлов комиссиясининг бутун фаолияти сайлов тизимининг демократик принципларини, айниқса, сайлов жараёнида ошкоралик ва очиклик тамойилини амалга оширишга қўлашганига, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга йўналтирилганидан далолатдир. Бунда сайловга тайёргарлик ва сайлов жараёнларини ёритувчи журналистларнинг ўрни каттадир.

Ошкоралик ва очиклик — демократик сайловларнинг муҳим шарт. Бунга ҳар бир жараёнга оммавий ахборот воситалари вакиллари жалб этиш орқалигина эришиш мумкин. Шу мақсадда округ сайлов комиссиялари қошида ташкил этилган матбуот хизматларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Мазкур илмий-амалий семинар матбуот хизматлари раҳбарлари ва ҳодимлари, жойлардаги журналистларнинг касбий малака-

сини янада юксалтириш, миллий сайлов қонунчилиги ва уни амалда татбиқ этиш борасидаги билиминини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда катнашчиларга сайлов қонунчилиги ва амалиётига дахлдор ўндан зиёд адабиёт тайёрлангани ва улар ақин орада жойларга етказиб берилиши маълум қилинди. Бу қўлланмалардан иш жараёнида самарали фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси иштирокчиларнинг сайлов уштакларини тузиш ва уштак сайлов комиссияларининг аъзоларини тасдиқлаш борасидаги саволларига апрофчила жавоб қайтарди. Мамлакатимиз бўйича сайловчилар яшаш жойларига яқин ерларда 8 мингдан зиёд сайлов ўштакси ташкил этилди. Жорий йилнинг 13 ноябрига қадар уштак сайлов комиссияларининг аъзолари тасдиқланади. Эл-юрт орасида обрў-эътиборга эга, ҳуқуқий салохияти етарли фуқаролар мазкур комиссия таркибига киритилади.

Семинар иштирокчиларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қуйи палата депутатлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари вакиллари билан учрашди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-саҳифада)

Куйидагилар мазкур Жамгарманинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан мелиорация ишларини ўтказиш учун мўлжалланган маблағларни тўла ҳақида Жамгарма ҳисоббарағида ҳамлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли Давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

тасдиқланган дастурларга мувофиқ мелиорация ишларини, магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва ҳўжалиқлараро коллектор-дренаж тармоқларини мукамал таъмирлаш ва тиклаш мақсадида жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ҳамда тизимли асосда аниқ, мақсадли молиялаштириш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига уларнинг унумдорлигини ошириш борасидаги ишларни молиялаштириш йўли билан қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига давлат мададини кўрсатиш; мелиорация техникасини,

жумладан, лизинг шартлари асосида сотиб олиш учун қайтариб бериш асосида маблағлар ажратиш йўли билан сув ҳўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамгарманинг ажратиб берилган молиявий маблағларидан мақсадли, аниқ ва самарали фойдаланилиши устидан доимий бўйича қаттиқ назоратни амалга ошириб бориш.

3. Куйидагилар Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамгармасини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича Давлат бюджетига тушадиган маблағлар;

мақсадли бюджет маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари;

маҳалли ва хорижий грантлар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағ манбалари ва даромадлар.

4. Белгилансинки, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамгармаси маблағларидан факат куйидаги мақсадларга:

магистрал (вилоятлараро),

туманлараро ва ҳўжалиқлараро очиқ коллекторлар, вертикал дренаж қудуқлар, мелиоратив насос станциялар ва кузатиш тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурлари доирасида ёпиқ горизонтал дренаж шохобчаларидаги таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишга;

ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига киритиладиган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган лойиҳа-қидирув ҳужжатларини ишлаб чиқишга;

ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг мелиорация техникаси саройини янгилашга маблағни қайтариб бериш асосида, шу жумладан узоқ муддатли имтиёзли лизинг шартларида молиялаштириш тадбирларига;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурларида назарда тутилган бошқа ишларга йўналтирилган ҳолда фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ер-

ларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамгармаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2007 йилнинг 15 ноябргача бўлган муддатда 2008 йилда биринчи навбатда реконструкция қилинадиган ва қуриладиган объектиларни белгилаб берган ҳолда 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2008 йилнинг 1 январига ҳақиқатан ижросида қилинган ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини мелиорация техникаси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

7. Куйидагилар: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамгармаси — барча тур-

даги солиқлар, йиғимлар, божлар ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан, ягона ижтимоий тўло ва божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно;

2008-2012 йиллар мобайнида жамғарма маблағлари ҳисобидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар — қўшилган қўйимат солиғи тўлашдан;

ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси беш йил муддатга — бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси ётказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар тўлашдан, шунингдек сотиб олинмаган мелиорация техникаси учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимлари-дан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 29 октябрь

ФЕРМЕР ОМАДИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ

Назира Худойкулова Шахрисабздаги энг илғор фермерлардан саналади.

Бу йил у 16 гектар майдондан давлатга 60 тонна дон сотди. 20 тоннаси ўзига қолди, 10 миллион сўм соф фойда қўрди. Пахтачилликдаги ютуқлари ҳам чакки бўлмади. «Наманган-77» пахта навидан 30 тонна ўрнига 70 тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хом ашёси етиштирди. Шунинг 24 тоннаси уруғликка топширилди. Ялпи даромади 30 миллион сўм бўлган бўлса, шунинг тенг ямғири соф фойдани ташкил этди.

Шунингдек, Назира Худойкулованинг қишлоқдошларига ҳам нафи тегиб келмоқда. Фермер қишлоқда соф дарома-

ди эвазига ҳаммом, гўзаллик салони, қандолат ҳеҳидан иборат мажмуа ҳамда тўйхона барпо этди. Ун нафар ҳам таъминланган оилаларга 50 килограммдан

Аёл журъати

бугдўй тарқатди, ёрдамга муҳтож оилалар ҳам эътиборидан четда қолмапти. — Бир йилнинг оилавий аҳоли оғир эди, — секингина гап бошлади фермер опа. — Унга бош-қош бўлиб уйлантирдик, яъни тўла ҳимоямизга олдик. Ҳозир

бахтли оилалардан бири. Мен шулар ҳақида уйлар эканман, болажон халқимизнинг фарзанди бўлганлигимдан фараҳланаман. Фермерлик, унинг бекиёс имкониятларини яратиб берган мустақиллик, унинг тиниб-тинчимас, фидойи иходкорли муҳтарам Президентимизга қалб ташаккуримни изҳор этаман.

Фермернинг дадил ва ишончли нигоҳдорлардан эканлигини аниқлаш тўғрисида. Зеро, бугунги мулкдор давлатимиз буюк келажак, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилаётми.

Хусан ТЕМИРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қашқадарё вилояти

Қонун ва ижро

«ча давлат дастури» ҳамда «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам жараёнга жиддий аҳамият берилаётганлигидан далolat. Ушбу ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши тегишли идораларга шу соҳага доир профилактик

тайёрланаётган, сотилаётган ош тузининг сифатини доимий назоратга олишган. Шунингдек, бошқа тааллуқли идоралар билан ҳамкорликда текширув ва мониторинг тадбирлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Масалан, ўтган йўлида ой мобайнида республикамизда фалолит юритаётган 22 та корхонада ишлаб чиқарилаётган ош тузи текширилганда, шуларнинг 12 тасида стандарт талаблари бузилганлиги аниқланди. Сақизта ҳолатида айбдор корхонага нисбатан махсулотни сотиш тақиқлаб қўйилди. Яна бир неча корхонага меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бермаган ва сертификатлаштириш қондаларини бузганлиги учун 547,6 минг сўм миқдоридида иқтисодий жазима қўйилди. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга катта имтиёзу кенг имкониятлар яратилган. Факат улар қонун ва қондаларга амал қилиб иш юритсалар бўлгани. Аммо, рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, айрим ишбилармонларимиз ишчи «мендан кетунча эгасига етунча» қабиллада бажаришади. Оқибатда, бир кун келиб афсус чекиб қолишлари ҳеч гап эмас. Ахир тадбиркорлик олиб-сотарлик ёки алдамчилик, дегани эмас-ку.

Дилшоод УЛУҒМУРОДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



Эрининг курсисини эгаллаган хоним

Аргентинанинг амалдаги президенти Нестор Киришнернинг рафиқаси Кристина Фернандез де Киришнер хоним турмуш ўртоғининг курсисини эгаллагани маълум қилинмоқда.



Президентлик сайловларида қатнашган биринчи хоним овоз бериувчиларнинг 46 фоиз овозига эгалик қилган. Кристина Киришнер ва унинг таърифдорлари галабани аллақачон нишонлашга киришиб кетишган. Кристинанинг асосий рақиблири собиқ гўзаллик қирличаси Элиса Каррио 24 фоиз, собиқ иқтисод вазирли Рoberто Лаванья 20,7 фоиз овоз йиғишга муваффақ бўлган.

Мамлакат қонунчилигига кўра, номзодлар 45 фойздан юқори овозга эга бўлса, сайловда ғолиб саналади.

54 ёшли Кристина Киришнер матбуот конференциясида давлат бошқарувида турмуш ўртоғининг сийасатини давом эттиришга ваъда берган.

Очиқлик ва ошқоралик — сайловнинг муҳим мезонлари

(Боши 1-саҳифада)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов йиғилганларга парламентнинг қўйи палатаси ва унинг тузилмалари фаолияти, қонун қабул қилиш жараёнлари, юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохоти самаралари, миллий сайлов қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари, мамлакатимиз сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари ҳақида сўзлаб берди.

Бешала сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари вакиллари ўз партиясининг парламентдаги фракцияси фаолияти, сайловга тайёргарлик доирасидаги ишлар тўғрисида маълумот берад экан, катта маъсулият талаб этадиган ва ҳар қайси партия учун жиддий имтиҳон бўлган ўз номзодларини қўллаб-қувватлаб имзолар тўплаш жараёнига батафсил тўхталдилар.

Тошкент шаҳар сайлов округи ҳудудида 653та сайлов участкаси ташкил этилган, уларнинг рўйхати ҳар бир сайлов участкасининг тартиб рақами, чегараси ва қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда шаҳар газетасида эълон қилинган. Сайлов кунини ушбу сайлов участкаларида қарийб 1,5 миллион нафар сайловчи овоз бериш имконига эга бўлади.

Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов журналистларга бу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов кампаниясига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, шунингдек, бўлажак Президент сайлови натижаларига доир ҳолис ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратилганлиги ҳақида гапириб берди. Комиссия тасаруфидида Интернетга уланган компьютерлар, телефон, факс, нуска кўчириш аппаратлари, телевизор, видеомагнитофон мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар тўпламлари, бошқа зарур сиёсий ва ҳуқуқий адабиётлар бор.

Стендларда шаҳар округ сайлов комиссиясида, округ ҳудудида жойлашган сайлов участкаларида сайловга тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар мунтазам аниқлаб турилади.

Тошкент вилояти сайлов округида ҳам ҳудуд шундай шароит яратилган. Мазкур округда 800дан зиёд сайлов участкаси ташкил этилди. Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси С.Қурбонқулов ва ушбу сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Х.Шафоевнинг айтишича, округ ҳудудидаги сайлов участкаларининг фаолиятига тааллуқли барча маълумотлар шу ерда тезкорлик билан жамлаб борилаётди. Матбуот хизмати мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим аҳимиятга эга ушбу жараёнларни ёритиб боришда маҳаллий ва хорижий журналистларга ёрдам бериш учун зарур барча шарт-шароит ва имкониятларга эга.

Округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг ходимлари пойтахтимиздаги 278-сайлов участкаси фаолияти билан танишдилар. Бу ерда овоз бериш жойи сифатида «Истиклол» маҳалласининг биноси танланди. Ушбу участка ҳам энг илғор компьютер техникаси, видео ва телеаппаратуралар билан

жиҳозланган. Президент сайлови кунига ҳали салкам икки ой борилигига қарамай, сайлов участкасида сайловчиларни рўйхатга олиш учун ҳамма нарсаси шай, яширин овоз бериш қабилалари сайлов тўғрисидаги қонунларимиз талабларига мувофиқ жиҳозланган.

Сайлов участкасида шу кунларда иш жуда қизгин. Бу ерга тез-тез келиб турувчи маҳалла аҳлини амалдаги сайлов қонунчилиги, сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, овоз бериш яқунлари ва сайлов натижаларини аниқлаш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш бўлаётган. Бошқа сайлов участкаларида бўлганидек, бу ерда ҳам сайловчилар миллий қонун ҳужжатлари тўпламлари, сайловга оид рисоалар, сайлов жараёнларини мунтазам ёритиб бораётган даврий нашрларнинг янги сонлари билан танишиш имконига эга.

— Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови халқимиз учун том маънодаги тарихий воқеа, жамиятни демократлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлади, — дейди Самарқанд округ сайлов комиссияси матбуот хизмати ходими Лутфулло Шомуродов. — Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бормоқда ва бу истиклолнинг дастлабки қунлариданоқ танлаб олинган миллий тараққиёт йўлимиз нечоғли тўғри эканлигини аққол тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини очилиғи ва транспарентлигини таъминлаш йўлида яратилган шарт-шароит ушбу жараённи ҳолис ва тезкор ёритишнинг қўлголатидир. Буларнинг барчаси демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган мамлакатимиз ва буюк келажак сари дадил интилаётган халқимиз учун дастуриламал вазифасини ўтовчи барча демократик принциплар ва нормалар ҳаётимизга нечоғли теран таътиб этилаётганлигини аниқ-равшан тасдиқлаб турибди.

Семинар иштирокчилари, шунингдек, пресс-клуб ишида, «Бунёдкор» ёшлар телеклубидаги давра суҳбатда ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида бўлиб ўтган ижодий мулоқотда катнашдилар. Таниқли сиёсатшунос, социолог ва ҳуқуқшунослар, оммавий ахборот воситаларининг етакчи шарҳловчи ва мутахассислари, сиёсий партиялар даврий нашрларининг раҳбарлари иштирокда ўтган мазкур учрашувларда сайлов кампаниясини очилиқ, ошқоралик, транспарентлик принциплари асосида ташкил этиш ва ёритиш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, «Округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг сайлов кампаниясидаги мақсад ва вазифалари» мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинар иштирокчилари таъкидлаганидек, бўлажак сайлов том маънода умумхалқ сидеви бўлиб, мустақиллик йилларида кишиларимизнинг наизки ҳаёти яхши томонга ўзгаргани, балки дунёқараши ҳам замонавийлашгани, сиёсий онг-тафаккури, интеллектуал салоҳияти юксалганини, ҳуқуқий билими ошганлигини аққол намоён этадиган муҳим демократик мезондир.

Ғулом МИРЗАЕВ, ЎзА мухбири.

Айни кунларда Юртбошимиз томонидан шу йил 29 августда қабул қилинган қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари йилги пунктларида тиббий қўриқ ва синовлардан муваффақиятли ўтган чакирув ёшидаги йиғитлар муддатли ҳарбий хизматга кузатишмоқда.

Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси йилги пунктда бўлиб ўтган ана шундай тадбирда ҳарбийлар, мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар иштирок этди.

Суратда: Тошкент вилояти чакирув бўлими бошлиғи, подполковник Ш.Валиев чакирлувчиларни Ватан ҳимоячилари сафига қўшилаётганликлари билан табрикламоқда.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ХАБАР

Шанхэй ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ривожланиб бораётган иқтисодий алоқалар ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда юртимизда ШХТ мамлакатлари ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ўнлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

«Delkons» шарбатлари

Фаргона вилоятининг Қувасой шаҳрида иш юритаётган «Delkons» Ўзбекистон Қозоғистон қўшма корхонаси мева-сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослашган. Бу ерда тайёрланаётган мева шарбатлари нафақат ички бозорда, балки Россия, Қозоғистон, Корея сингари мамлакатларда ҳам ўз харидорига эга. Йил бошидан буён 400 минг АҚШ долларига тенг миқдорда махсулот экспорт қилган корхона жамоаси мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, бу борадаги иш ҳажмининг янада оширишни мўлжалламоқда.

Корхона цехларига хориқнинг энг замонавий технологиялари келтириб ўрнатилган, бир йилда 27 минг тоннадан ортиқ мева-сабзавотни қайта ишлаш имконияти юзга келди. Айни пайтда бу ерда 240 нафар йиғит-қиз меҳнат қилмоқда.

Қўшма корхона бош директори Ҳамид Укубаеванинг айтишича, йил охирига қадар тайёрланаётган махсулотлар тури яна 12 та қўлаяди. Айниқса, бежирим идишларга қадокланган мева ва томат пасталари, табиий шарбатларга талаб катта. Шу боис корхонада янги қадоклаш линиясини ўрнатиш ишлари олиб боришмоқда.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

Фаргона вилояти

Бахтиёр Отакулов билан Акбар Аҳадов Пешку туманидаги Хуплак қишлоғидаги юзма-юз ҳовлида салкам ўн йилдан бери ўзаро тинч-тову, аҳил қўшни бўлиб яшаб келаятганди. Нима бўлди-ю...

Аслида жанжал арзиммаган нарсадан бошланди. 2006 йилнинг 28 декабры кунини тушга яқин Бахтиёр Отакуловнинг турмуш ўртоғи Салима Намозова қўнсини Дилафруз Асроровага ариқ бўйида уларга тегишли бўлган топ дарахтининг барглари гулзорларига тушаётгани сабабли улардан ҳазонларини сугуриб олишларини талаб қилди. Агар айтилган вақтда тушган барглар тозалаб олинмаса, дарахтининг чопиб ташлашларини айтиб, гўёки огоҳлантиради.

Аёлларнинг бу машмашасига эътибор бермаган Акбар Аҳадов ўз кундалиқ таъмишлари билан қўнчага чиқиб кетди. Кечга яқин уйига қайтганда эса унга тегишли бўлган топ дарахтининг қўнсини Бахтиёр Отакулов ўз қизи Соҳида билан чопаетганини кўради. Икки қўшни шу ерда ўзаро айтишиб қолшади. Оғзаки жанжал ёқа йиртишга етиб боради. Натижада, икки қўшни ҳам енгил тан жароҳати олишади. Қўшиллар ва қўчадан

Йоғсиз туз татимас

Шу боисдан айни пайтда дунё мамлакатлари бу каби масалаларни қонунлаштириб, қатор ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга таътиб этиб келмоқда. Хусусан, йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликлари бартараф этишнинг энг мақбул йўли ош тузини йодланниши, деган фикр ҳам жаҳон таърибасида кенг қўлланилаётган жараёнлар. Шунинг таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам бу борада талабга ижобий ҳаракатлар олиб боришмоқда. Яъни, республикамизда «Ўзбекистонда 2005-2009 йилларда йод танқислиги касалликларининг олдини олиш ва қайтайтириш бўйи-

ишларни таҳлил қилиш, қайта ишлашга тааллуқли давлат стандартларини тасдиқлаш юзасидан назорат ўрнатиш каби қатор вазифаларни юқлади. Энг муҳими, бунинг натижасида инсон саломатлигини сақлашдек бир эзгу мақсадга дадил қадам қўйилди.

—Қонуннинг ижроси юзасидан ташкилотимиз томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди «Ўзстандарт» агентлигининг бўлим бошлиғи Бахтиёр Исроилов. —Жумладан, агентлигимизнинг бўйруғи ҳамда режаси асосида ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларимиз

айбдор деб топиб, уни 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Ҳукм ўқилди. Жиноятчи ўз қилмишга яраша жазосини олди. Шу билан ҳаммаси тугадими? Афсуски, йўқ.

Арзимас жанжал оқибатида икки оиланинг тинчи бузилди. Энди юрагидида адоват аланга олган, бир-бирини қарама-қарши ҳонадонларда истиқомат қилувчи қўшилларнинг ўзаро салбий муносабатлари барҳам то-

на пичоғини яширган ҳолда яна қўнчага чиқади. Қўнсини Акбар Аҳадовни қуракда турмайдиغان сўзар билан ҳақоратлаб, қайта жанжаллашшига қачиради. Унинг ҳақоратларига чидаб туролмаган Акбар Бахтиёрга юзланади. Шу пайтда Бахтиёр қўнидаги пичоқни чиқариб, Аҳадовнинг ўнг қўрак қисмига уради. Жараҳат олган Акбар Аҳадов «ўп миқдорда қон йўқотиш оқибатида касалхонада ҳаётдан қўз юмади.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди биносида ушбу жиноят иши қўриб чиқилди. Суд жиноятчи Бахтиёр Отакуловни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан

пармикан? Бундан ташқари, жиноятчининг уч нафар, жабрланувчининг эса икки нафар мурғак фарзандлари ота меҳридан бенасиб бўлди.

Агарда жиноятчи Бахтиёр ёки жабрланувчи марҳум Акбар ўз жаҳлини босиб, шайтонга «хай» берганида ва ақл билан иш қилганида бундай ҳуқуқ фожия рўй бермаган бўларди.

Шўҳрат ҲИҚМАТОВ, Пешку тумани прокуратораси

Хамроз АЛИ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қорамол бериш тартиби қандай?

Давлат томонидан оилаларга бепул қорамол бериш тартиби қандай ва бунда нимага эътибор берилади? С.Исмолов
Бекобод тумани

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ жойлардаги қам таъминланган ва қўп болали оила-ларга қорамолни бепул бериш шартлари тўғрисида»ги Низомга кўра қорамолни бепул беришга эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш очкилик ва ошкорлик шартларида ва иктомий адолат принци-пида қатъий риоя қилинган ҳолда қишлоқ фуқаролар йиғини томо-нидан амалга оширилади.

Оилаларга қорамолни бепул бериш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси тақдимномасига биноан, кейинчалик фуқаролар йиғини ёки вакиллар йиғилиши томонидан тасдиқланган ҳолда Фуқаролар йиғини кенгаши томо-нидан қабул қилинади.

2. Қорамол қуйидагиларга: а) вояга етмаган беш нафар ва ундан ортиқ болалари, шу жумладан касб-ҳунар коллежлари (академик лицейлар) ўқувчилари бўлган қўп болали оилаларга; б) умумий даромадлари оила-нинг ҳар бир аъзоси ҳисобига бир ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ошмайдиган, доимий равишда (кейинги 2-3 йилга) паст бўлган кам таъмин-ланган оилаларга;

в) боқувчилари бевалар ва болалари тарбиялётган елтиз оналар ҳисобланган вояга ет-маган болалари бўлган кам таъ-минланган оилаларга;

г) етим болалар ва ота-она-сининг қаровисиз қолган боло-лар учун болалар уйлари ва ин-тернат уйлари битирувчиларига;

д) ота-онаси қолган икки на-фар ва ундан ортиқ болаларни қарамоғига олган (қабул қилган) оилаларга бепул берилади.

Илгаридан қорамол бўлган оила-лар қорамолни бепул деб беришга эҳтиёжманд оилалар деб ҳисобланмайди.

3. Қорамолни бепул беришга эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш-да юқорида кўрсатилган талаб-лар билан бирга қуйидагилар ҳисобга олинади:

уй ҳўжалигида қорамол боқиш учун шартонларнинг, шу жумладан ер участкасининг мавжудлиги; қорамолни боқиш учун тегиш-ли малакага ва парвариш қилиш имкониятига эга бўлган меҳнат-га лаёқатли оила аъзоларининг мавжудлиги;

боқилаётган қорамолни ем билан таъминлаш имкониятининг мавжудлиги.

Саволга Ўзбекистон Респу-бликаси Адлия вазирлиги-нинг Қадрлар бошқармаси етакчи маслаҳатчи Файрат АБДУЛЛАЕВ жавоб бериди.

Болалик хотираларим

Туяни илк бор кўрган пайтимда қан-дайди ҳаяжон босиб қолганди. Худ-ди инсондек гапирмаса ҳам унинг кўзларидан ниманидир уқиш мумкин эди. Айниқса бўталогини меҳр билан эркалатган нортўя баъзи бир бемехр инсон киефасидаги одамдан ҳам кўзингизга иссиқ кўринади.

Баъзи манбаларда уни "Чўл ке-маси" деб изоҳланса, овулдаги чўпон-чўликлар уни оила аъзоларида эъзо-злайди, ардоқлайди. Туядан соғиб оли-надиган шубат суттини минг дардга даво деб билишади. Шу боисдан саҳ-ронинг ўртасида ўсаётган чўпон бо-лалари унча-мунча касални кўрдим демайди. Туя гўшти тегмаган қозонни эса чўпонлар бара-каси йўқ деб ҳисоблашади. Айтишларича, туя ўзига ёмонлик тилган одамни ке-чирмайди. Орадан йиллар ўтсаём оғринган кўнгли бо-силмайди. Айниқса, қўтирган туя еру кўкка сиймай қолади. Шу сабаб кези келганда чўпонлар туяга ён беришади. Туя эга-сига содиқ бўлади. Қум барханлари билан қолганган адосқиз чўларда кўпроқ нортўя, айритўя, қизилтўя, нортўя билан айритўя чаптириб олинган қўшмоқ туя зотлари кўпроқ учрайди. Туяқашларнинг айтишлари-ча, улар орасида энг бақуввати нор-тўя ҳисобланади. Унинг тирноқлари узун бўлганлиги сабабли уруш йил-ларида олис масофаларга юк ташид-ла ҳам фойдаланилади. У 500-600 ки-лограммгача юкни кўрдим демасдан кўтариб кета олади. Хозир ҳам меҳ-копда қудқудан сув чиқаришда туя хиз-матидан қўл худудларидеа фойдалани-лади.

Ҳайвонот боғида

Навбатдаги дам олиш кўнларидан бирида фарзандларим билан бирга ҳайвонот боғига бордик. Бу сўлим ва баҳаво гўшадаги фил, шер, бўри, қуён, илон, жирафа, кўтос ва бошқа турдаги ёввойи ҳайвонларни бери-либ, завқ билан томоша қилдик.

- Дадажон, қаранг туя, - дея жира-фани кўрсатаётган жажжи қизалоқнинг овози кўлоғимга чалинди.

- Бу туя эмас, она қизим, сен ян-глишинг, - деди отаси.

- Ўғлим, мени кеңиртаси. Қизалоқ-да заррача айб йўқ, У бирозгина ян-глишиди, холос. Сиз бундан кейин бо-лаларингизни тез-тез бу ерга олиб келиб туринг. Шунда улар бошқа хай-вонларнинг номларини билишади, - дейди нуруний отахон самимийлик билан.

Ана шу воқеа сабаб бўлиб Қизилқум ҳамда Қорақум яйловлари-да сурув-сурув туя боқаётган чўпон-лар ҳузурида бўлганимда, бу безор, ювшо ҳониворларнинг аjoyиб ҳусу-сиятларини ўрганишга аҳд қилдим.

Беминнат "аптека"

Қадимдан шундай бир ривоят ке-лади. Қизилқумнинг энг олис овул-ларидан бирига Луқмони Ҳаким ке-либ, эл-улуснинг соғлиғини кўздан

Қишлоқларда ҳам бозор иқтисо-диёти тамойилларига асосланган ҳўжалик муносабатларининг қарор топиши янги хизмат турларини шакллантирди. Ёнилги тарқатиш шохобчаларини ҳам шулар жумласи-га киритиш мумкин.

Ёнилги таъминотида узалишга йўл йўқ!

Қолаверса, ҳозирги вақтда фермерлар қишлоқ ҳўжалигида асосий кучга айланиб бормокда. Ҳукуматимизнинг қарор ва фармонларига мувофиқ фермер ҳўжаликлари-га талаб даражасида хизмат кўрсатишни таш-кил этиш мақсадида жойларда фермерлар-га ёкилги тарқатиш шохобчалари ташкил этиш белгиланган эди. Қашқадарё вилояти-даги "Қарши нефть базиси" унитар корхо-наси жамоаси зиммасига ҳам айнан шундай вазифа юклатилганлиги.

Айни пайтда мазкур корхона ҳамда унинг Косон ва Айритом филиаллари вилоятнинг Қарши, Косон, Касби, Нишон, Муборак, Ми-ришкор ва Чироқчи туманларидаги фермер ҳўжаликлари, ташкилот ва корхоналар ҳамда ҳусусий автомобилларга ёкилги қўйиш шо-хобчаларига нефть маҳсулотлари етказиб бериш билан шуғулланади.

Корхона бугунги кунда 12 мингдан ортиқ фермер ҳўжалиги билан шартнома тузган бўлиб, уларга кўрсатаётган хизматлари ор-қали фермерларнинг мушкуллини осон қилишга кўмаклашаётир. Ахир қишлоқ ҳўжа-лиги соҳасида мўл ҳосил етиштириш учун деҳқоннинг ханоти ҳисобланмиш техникага ёкилги-мойлаш материалларининг ўз вақтида ва меъёрида етказиб берилиши муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур унитар корхонанинг туманларда ўнлаб ёкилги тарқатиш шохобчалари мавжуд. Маҳсулотлар ўз вақтида махсус техникалар ёрдамида фермер ҳўжаликлари-га ва бюорт-мачиларга етказиб берилади.

Ушбу шохобчалар барча замонавий шарт-

шароитларга эга бўлиб, зарур асбоб-уску-налар, анжомлар билан таъминланган. Бу ерда фермерлар учун бир қатор қўлайлик-лар яратилган. Хусусан, махсус деворий лаххалар орқали улар барча ўзларига тегиш-ли Фармон ва қарорлар, меъёрий ҳўжат-лар билан танишишлари мумкин.

Жорий йилда унитар корхона томонидан истеъмолчиларга 89488 тонна нефть маҳсулотлари еткази-иб берилди.

Унитар корхона фаолият доирасини кенгайтириш мақса-дида Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирлар Маҳкамасининг 2006 йил 3 ноябр-даги 228-сонли қарорига асосан, Айритом филиалини ташкил этди. Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб, мазкур филиал фермер ва деҳқонларга хизмат кўрсатиб кел-мокда.

Жойлардаги шохобчалар кечаю кундуз фермерлар хизматидеа. Маҳсулотлар транс-порт воситалари ёрдамида ҳўжаликларнинг ўзига, экин майдонларигача етказиб бери-лади. Бунинг учун фермер шохобча опера-

торига ишончнома ёзиб берса, шунинг ўзи ки-фос. Оператор нефть базасига келиб, фермер номидан керакли хўж-жатларни расмийлаштириб, зарур миқдор-даги нефть маҳсулотларини олиб бориб бе-ради. Бу эса хар бир дақиқадан унумли фой-даланадиган фермернинг вақтини тежашда кўл келмокда.

Иктомий ҳимоя йилда корхонада ишлов-чи ишчи-хизматчиларни иктомий ҳимоялаш мақсадида 160,9 миллион сўм маблағ ажратил-ди. Жумладан, иктомий ночор ишчилар-нинг оила-ларига 3,2 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Ишловчиларнинг болалари-ни ёзги дам олиш масканларида дам олди-риш учун 3,5 миллион сўмлик ўйланмалар олиб берилди. Бу кўрсатилётган моддий ёрдам ва эътибор уларни янада яхши ишлаш-га илҳомлантираётир.

Қашқадарё вилояти

Инфратузилма

Қафолатли хизмат

Шу омил корхонада жорий йилда ишловчиларни иктомий ҳимоялашга 118,6 миллион сўм маблағ ажратиш имконини берди

"Термиз нефть база" унитар кор-хонаси мижозларга хизмат кўрса-тиш бўйича етарли тажрибага эга. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида корхона ёкилги-мойлаш материаллари етказиб бериш бўйича истеъмолчилар билан ту-зилган контрактация шартномала-ри асосида уларга 47478,2 тонна нефть маҳсулотлари етказиб берди. Яъни шартнома бўйича олган маж-буриятини тўқис адо этди.

Натжида айниқса фермерлар ёкилги-мойлаш материаллари таъминотида асло тақчиллик сезмадилар. Айниқса, туманлар-да фермерларга хизмат кўрсатувчи ёкилги тарқатиш шохобчалари қўрилиб, ишга ту-ширилган аввало хизмат кўрсатиш сифа-ти яхшиланди ҳамда фермерларнинг қўлаб оворагарчиликлари-га чек қўйил-ди. Чунки ҳозирда яъни қишлоқ ҳўжали-

гидаги мавсумий иш-лар даврида деҳқон-ларга қўлайлик яра-тиш мақсадида ёкилги-мойлаш мате-риаллари бевосита далага етказиб берил-мокда.

Корхонада иш аник режа асосида таш-кил этилган. Нефть маҳсулотларини сақ-лаш ҳавфсизлигига ўта маъсулият билан алоҳида эътибор қаратилаётир. ЕКШлар-ни ўз вақтида маҳсулот билан таъминлаш қатъий йўлга қўйилган. Узалиш ва тақчил-ликларнинг олдини олиш учун доимий мониторинг олиб борилади. Шунингдек, маҳсулот сифати ҳам доимий назоратда. Корхонадаги кимё-назорат лаборатория-сида олиб келинган ёкилги-мойлаш ма-териаллари сифат таҳлилидан ўтказила-ди. Олинган намуна ва сифат паспорти-дан бир нусха истеъмолчиларга ҳам бе-рилади. Шунда мижозларнинг корхона-нинг хизматига ҳам маҳсулот сифатига ҳам ишончлари ортади.

Унитар корхона жамоаси хизмат кўрса-

миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Амалдаги йилда эса даромад манбаи 36.157,7 миллион сўмга еткази-лиши кутилмокда. Яъни, даромад 4 ба-раварга ошади.

Демак, "Иктомий ҳимоя йили" дастурини ҳаётга таъбиқ қилишга му-стаҳкам замин ҳозирланар экан-да:

— Тахтақўпир марказдан анча олимсда — Қизилқум этакларида жойлашганига қарамадан аҳолининг салкам 99 фоиз табиий газ, 88,6 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. Туманда 200 ўринга эга шифохона, 11 та фельдшер-акушерлик шаҳобчалари, 9 та қишлоқ врачлик пунктларида 45 та шифокор, 497 нафар ўрта махсус маъ-лулотли тиббиёт ходимлари аҳоли са-ломатлигини муҳофаза қилмокда.

Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оила-ларга, ногиронларга ҳомилар томо-нидан моддий ва маънавий ёрдамлар берилмокда. Сирасини айтганда, ривож-ланишининг ойдин йўлига тушиб олган ту-манда ютуқлар бундан кейин ҳам кўпая-веради.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.
Қорақалпоғистон Республикаси

ошқозон-ичак касалликларининг да-воси ҳамдир.

- Туя жунидан тикилган кийимлар борми?

- Қизилқум овулларидаги нуруний отахон ва онахонларимиз туя жунидан тикилган миллий кийимларни эг-нидан туширмасдан кийиб юришади. Сабаби, бу кийимлар жудаям сифат-ли, чидамли. У ўз рангини юз йил-ларгача йўқотмайди. Қизилқумда, қолаверса, Марказий Осиёнинг бар-ча мамлакатларида шифобахш туя сут-и - шубатни севиб истеъмол қили-шади.

- Гўштини-чи?
- Қозоқ халқида туя гўшти тушма-ган қозон қозонмас деган жўяли бир гап бор. Шу нақлдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, туя гўшти ҳам мол, қўй, йилқи гўшти сингари мазали бўла-ди.

Афсона ва ҳақиқат

- Қадимда қорақалпоқ элининг Уст-юрт овулида ўзига тўқ, бой-бадавлат бир савдогар ўтган экан. У туялари усти-га зил-замбилдай юкларни ортиб, олис-олис юртларга савдо-сотик қилиш учун жўнаб кетар ва у савдо-дан келган даромадидан доимий тарзда етим-есирларга, кам таъмин-ланган оила-ларга улашиб турар экан. Шу боисдан Қўносбойни эл-улус юрса ҳам, турса ҳам дуо қилар экан. Бир куни Макка шаҳридан юртига қайта-ётган қарвонга бир гала қароқчилар ҳужум қилибди. Ўртада аёвсиз жанг бўлиб ўтибди. Икки томондан ҳам қўлаб одам ноубуд бўлибди. Қарвон-даги савдогарларга баб кела олмас-лигига қўзи етган қароқчилар бош-лиғи чекинмишга мажбур бўлибди. Душман ўқидан яраланиб, ноубуд бўлган туянинг бўталогини шу ерга дафн қилишибди. Натжида, бу ерда дўппайиб турган қабр пайдо бўлиб-ди. Вақт эик бўлганлиги туфайли қар-вон аҳли йўлга тушибди. Ўз юрти-ларга эсон-омон етиб бориб, туяларга ортилган молларни сотиб, катта фой-да кўришибди. Бир оз дам олишиб, савдогар бошчилигида яна йўлга ту-шишибди. Йўл юриб, яна ўша қароқ-чилар билан жанг қилган манзилга яқинлашибди. Шу пайт қарвон аҳли қалбини ларазага солган бир таъсир-ли воқеа рўй берибди. Ўз бўталогидан айрилган она туя дўппайиб тур-ган қабр тепасида узоқ вақт бўкириб бўзлабди. Унинг яқинига боришга ҳеч кимнинг юраги дов бермабди. Бу во-қеадан таъсирланган савдогар туяни овоз қилиб юборган экан.

Хулоса ўрнида

Қум барханлари билан қолганан, бепойи саҳрони туяларсиз та-саввур қилиб бўлмайди. Уюр-уюр бўлиб ўтлаб юрган туялар она табиатимизнинг бир бўлғи. Уларни асраб-авайлашимиз зарур. Ана шунда биздан кейинги авлодлар бу безор жониворлар ҳақида тўла ва атрофлича тушунчага эга бўлади.

Улугбек ЖУМАЕВ



бор иқтисодимиз равнақининг энг муҳим омилларида биридир. Бу ўринда фер-мерларга хизмат кўрсатувчи инфратузил-ма шохобчаларининг роли беқиёс. Буни яхши англаб етган "Термиз нефть база"

унитар корхонаси жамоаси фермерларга кўмакдош бўлмокда.

Улар қишлоқ ҳўжалигидаги кузги-қишки мавсум тадбирларини амалга оши-риш жараёнида фермер ҳўжаликларини нефть маҳсулотлари билан тўлиқ таъмин-лаш мақсадида 4835 тонна дизел ёкилғис заҳирасини яратишди.

Корхонада ишлаб чиқаришдан олинган соф фойданинг маълум қисми корхонада ишловчи ишчи-хизматчиларни иктомий ҳимоялашга сарфланаётир. Жорий йил-нинг 9 ойида шундай эзгу мақсадлар учун 118,6 миллион сўм маблағ сарфланди. Жумладан, ишловчиларга тушлик учун 100,8 миллион сўм ажратилди.

Корхона жамоаси хизмат сифатини ва кўламини ошириш билан мижозлар ишон-чини қозониб бормокда.

Ҳанифа ШАМШИЕВА

Сурхондарё вилояти

Ибрат

Муносиб ворислар

Алижон ака 65 ёшга кирган. Йил 12 ой даладан чиқмайди.

Бу йил у раҳбарлик қилаётган "Аббос" фер-мер ҳўжалиги 13 ёшга тўлди. Олти гектар билан иш бошлаганида, ҳозир 43 гектар ернинг эгаси. Ўтган йили 8 миллион сўм соф фойда кўрди ва



лизинг шартномаси билан трактор олди.

- Ер сийлаганини сийлайди. Умирим далада ўтганидан мамнунман, барча муваффақиятла-рини шунинг орқасидан. Олти фарзандимнинг барчаси оилали. Бундай кўнга етган киши-лар кўпинча "ёруғ дунёда қарзим қолмади" деб қўйишади. Бир жиҳатдан тўғри, аммо эл-юрт, давлат олдида ҳаммиса қарздормиз, қолаверса, куч-қувватинг бўлган, меҳнат қил-ганга не етсин. Иннайсин яна бир гап: бо-лалар тажрибамизни яхшироқ ўргансин, ер-нинг тилини билсин.

"Аббос"нинг 13 гектар галласи бор эди, галвир сувдан кўтарилгандаги кўрсаткич 110 фойздан ошди. 30 гектар пахтазордаги ҳосил-дорлик 35 центнерга етди, шартнома эса 28 центнер эди. Алижон Воҳидов ўн нафар иш-чининг бошини қовуштириб, яхши даромад қўришга шароит яратаяпти.

Унинг қиличдай-қиличдай ўғиллари бор: Аббос, Олимжон, Аҳмаджон. Учови ҳам отаси ёнида, қақирса "лаббай" деб туради. Файрати йўғил-тошган, меҳнатни бахт деб билган бу йўлгилар отасига ҳаммиса дастак. Буни ҳис этишининг ўзи кўнглига ҳузур бағишлайди.

Рустамжон УММАТОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Суратда: "Аббос" фермер ҳўжалиги раҳ-бари Алижон Воҳидов.

Муаллиф олган сурат.

Наманган вилояти

ТАДБИР

Олдини олган

маъқул

Жиззах вилоятида бўлиб ўтган семинар-кенгашда Халқаро "Юнисеф" таши-лот, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул ходимлари, омма-вий ахборот воситалари ва-киллари қизамиқ ва қизил-ча касалликларига қарши кураш чора-тадбирларини кенг муҳокама қилишди.

Тадбирда шу йилнинг 12-25 ноябрдада 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган 8 миллиондан зиёд аҳоли-ни касалликнинг олдини олиш мақсадида бепул эмлатиш учун Республикамизда олиб борилаёт-ган тайёргарлик ишлар ҳақида фикр алмашилди, бу борада ва-зифалар белгилан олди.

Вилоятда мазкур тадбирни уюш-тириш билан ўтказиш мақсадида 310 та эмлаш гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, 4 мингта яқин эм-лаш масканлари жиҳозланган.

Келдиёр ЖУРАҚЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Жиззах вилояти

МИНСК БЕЛАРУС

ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ "Беларус"
ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА
ВА УЛАР УЧУН ЭХТИЁТ
ҚИСМЛАРИНИ
ТАҚИФ ЭТАДИ.



KAMMAZ ARSENAL

Манзиллими: Тошкент ш., Братислава кўчаси, 11.
Тел: 281-40-33, 281-40-90, 281-40-75

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти (ЎзПИТИ)

2008 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кундузги бўлимга:

1. Умумий деҳқончилик – 2 та
2. Мелиорация ва сугорма деҳқончилик – 2 та
3. Агрохимё – 1 та
4. Ўсимликшунослик – 1 та

АСПИРАНТУРАГА КИРУВЧИЛАР:

Институт Бош директори номига ариза ҳамда қуйидаги ҳўжатларни тақдим этишлари за-рур:

- шахсий варақа
- таржимаи ҳол
- иш жойидан тавсифнома
- чоп этилган илмий ишларнинг рўйхати ёки қираётган ихтисоси бўйича реферат
- диплом ва синов дафтарчасидан кўчирма
- меҳнат дафтарчасидан кўчирма

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан олинади:

Танланган ихтисоси бўйича, чет тили, Ўзбекистон тарихи, фалсафа.

Аспирантурага кириш учун ҳўжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Ҳўжатларни қуйидаги манзилга юбориш ёки бевосита топшириш мумкин:
702133, Тошкент вилояти, Қийраб тумани, Оқковок, ЎзПИТИ аспирантура бўлими, телефонлар: 174-30-50, 104-04-39.

